

Мамлакатимизда енгил атлетикани янада оммавийлаштириш мақсадида Наврўз байрами арафасида эстафетали югуриш умумхалк ҳафталиги ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасидан. ЎзА мухбирига хабар қилишларича, ушбу мусобақа беш гуруҳда - умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлар ўқувчилари, олий ўқув юртлири талабалари, қишлоқ аҳолиси, шаҳар корхоналари ходимлари ҳамда маҳалла аҳлидан тузилган жамоалар ўртасида ўтказилади.

Беллашувлар 11-16 март кунлари Андижон, Фаргона, Самарқанд, Жиззах, Тошкент вилояти ва пойтахтимизда бўлиб ўтади.



ОПТИ БАКТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИКА БОШЛАГАН

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 12 март, чоршанба № 40 (1465)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БЎЗ БАҲОРИ

Бу ерларни нима учун Бўз дейишади? Қарияларнинг гувоҳлик беришларича, ўтмишда ёввойи хайвонлар юрган тўқайзорлар бўлган экан. Инсон иродаси ва жасорати билан қадим қамишзорлар ўрнида серхосил далалар, мевазор боғлар яшнаб турибди.

хўжалигидан Акмалжон Дўстматов, Бобур номли хўжалиқдан Ғойибжон Холиқов бошлққ пудратчилар бўлгуси мўл ҳосилга пухта замин яратишяапти. — Пахта ва ғалла ҳосилдорлигини ошириш бўйича вилоятимиз дехқонларининг тажрибаси



Бўзининг туپроқ шароити мураккаб, иқлими ўзгартуван. Шунинг учун ҳам ўтган йили туманда 22 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини яратиш осон кечмади.

«Озд» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси И.Кромжон Маматов раҳбарлигидаги жамоа режадан ташқари 300 тонна пахта тайёрлади. Бу ерда Андижон технологиясини мукамал эгаллаган, илғор иш услубларини дадиллик билан қўллаётган ислохот фидойилари анчагина. Тажрибали пудратчи Курбонали Қодиров шулар жумласидан. Пудратчилар ҳар гектар майдондан 40 центнердан хирмон кўтардилар. Айна чоғда бригадда далаларида плёнка остида чигит экишга киришилди.

Баҳор дехқонни далага чорлади. Навоий номли ширкат хўжалигидан Ёқубжон Усмонов, Абдуғани Мирзараҳимов, Манноб Жалолов номли ширкатдан Манзураҳон Жуманова, Маҳкамжон Исоқов, «Янги турмуш» ширкат

Табиатда бир ажиб ўзгариш юз бермоқда. Кўриб ва хайратга тушиб турибмиз, еру осмон тирилмоқда. Майсалар ерни ёриб чиқаётир. Ке-чагина шип-шийдан бўлиб турган дов-дарахтлар бир-бир яшилликка чулғаниб бормоқда. Биз Наврўзга етдик, Наврўз бизга етмоқда. Интиқ ва интизор лаблар сумалакка етдилар. Кўнгиллар кўнгилларга етмоқда.

ҲАШАРДАН ТУШГАН МАБЛАҒ хайрия жамғармасига

Хусусан, Сурхондарё Наврўзга бир қадар аввалроқ пешовза чиқмоқда. Зеро, Наврўз дастлаб шу ерга

қадам ранжида қилади. Вилоят ҳокими умумхалқ байрамини янада баянланди руҳда кутиб олиш мақсадида шу йилнинг март ойини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги, дея эълон қилди.

Айтиш керакки, ободонлаштириш ойлиги уюшқоқлик билан ҳамда кўтаринки руҳда давом этаётир. Бунда ўқув юртлири, корхона, ташкилот, муассасалардан ташқари, барча фуқаролар ҳам фаол қатнашяпти. Чунки, бўсағад турган Наврўз одамларнинг кайфиятини кўтариб юборди. Чунки уйғонаётган замин, дов-дарахтлар, гийҳлар, турфа кушларнинг чуғур-чуғури кўнгил кенгликларига севинч оралатмоқда.

Вилоят ҳокими фармойишига кўра, 15 март кунини умумхалқ хайрия ҳаёри ташкил этилади. Бунда бутун сурхондарёликлар фаол қатнашади. Ҳашардан тушган маблағ «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг ҳисоб рақамига келиб тушади.

«Туркистон-пресс»

Ғиждувон туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалигида мавжуд техникалар таъмирланиб, баҳорги юмушларга тахт қилиб қўйилди. Бунда хўжалик машина-трактор парки жамоасининг алоҳида ҳиссаси бор. Улар мавсум учун 10та ҳайдов трактори, 8та чизел, 12та сеялкани сифатли таъмирдан чиқардилар.

Суратда механизатор Самандар Бўронов. С. ЗУФАРОВ, (ЎзА) олган сурат.

ЁШЛАР ЯНГИ КОРХОНАЛАРГА

Сирғали туманида фуқароларни иш билан таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Янги иш жойлари яратиш, ишсизларни қайта ўқитиш ва касбга тайёрлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш каби юмушлар шулар жумласидандир. Бугунги кунда туманда 154,9 минг нафар аҳоли бўлиб, шундан меҳнатга лаёқатлиси 90 минг 200 нафарни ташкил этади.

Шу йилнинг дастлабки ойда тумандаги 67 та корхонада 652 та бўш иш ўринлари аниқланган. Уларнинг асосий қисми саноат, транспорт ва алоқа, маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ҳиссасига тўғри келади. Феврал ойида эса 49 та янги корхоналар фаолият кўрсата бошлади ва уларда жами 394 та янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар учун 9 та корхонада 300 та махсус иш жойлари ташкил этилди. Банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш билан бир қаторда уларни қайта ўқитишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Утган давр ичиде 49 нафар киши ана шу мақсадда ўқув марказига жўнатилиб, нафақа тайинланди. Яқинда туманининг «Эркин ҳаёт» маҳалласида банд бўлмаган аҳоли ва амниятига туфайли озодликка қайтарилганлар иш-тироқида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Унда 12 та корхона ўзининг 40 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмаркада 60 нафар киши иштирок этиб, 12 нафарига ишга йўлланма берилди ҳамда 10 нафар фуқаро қайта ўқитиш учун ўқув марказига жўнатилиди.

Муҳим жиҳатларидан бири шундаки, аҳолини, хусусан ёшларни иш билан таъминлаш бўлимининг асосий диққат марказида турибди. Хусусан корхона, ташкилот ҳамда муассаса раҳбарлари билан келишилган ҳолда, аниқ дастур асосида жойларда меҳнат ярмаркалари, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиб, қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан 18 ёшга фарзандлари бўлган оилаларни ҳисобга олиш ва нафақа тайинлаш бўйича маҳаллалар билан ҳамкорликда кўрсатилган семинарлар ўтказилди. Туманда 1972 та 18 ёшга болалари бўлган оилалар бор. Улар томонидан тушган аризалар махсус комиссия томонидан ўрганилиб, 10 миллион сўмдан зиёд маблағ тўланди.

Туман меҳнат бўлими томонидан «Иш билан таъминлаш маркази» ташкил этилган. Мазкур ташкилот ишсиз фуқароларни турли касблар бўйича ташкилот, муассасаларда ишлашига яқиндан ёрдам бераётир.

Бўлим томонидан иш ҳақини ўз вақтида тўламаётган қарздор корхоналар аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар қўрилмоқда. Марказий банкдан олинган маълумотларга кўра, туманда ойлик маошни тўламаётган қарздор корхоналар 2003 йил 1 январ ҳолатига кўра 15 та бўлиб, уларнинг умумий қарзи 244 миллион 886 минг сўмни ташкил этган эди. Туман прокуратураси билан ҳамкорликда олиб борилган саъй-ҳаракатлар туфайли қарздор корхоналар 1 март ҳолатига 12 тани ташкил этган.

Тошкент шаҳар Давлат меҳнат техник инспекцияси шу йилнинг 2 ойи мобайнида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши тасдиқлаган иш режасига асосан 15 та корхона ва ташкилотда Меҳнат кодекси шартлари бузилган ҳолатларни аниқлади. Қонунни бузганлиги учун 11 нафар шахс жавобгарликка тортилиб, уларга 176 минг сўмдан зиёд маъмурий жарима солинди.

Одил ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири.



Суратда механизатор Самандар Бўронов. С. ЗУФАРОВ, (ЎзА) олган сурат.

ФОЛИБЛАР

Яқинда Хоразм вилоятида «Ташаббус-2003» кўрик танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича биринчи ўрин Гулран туманидаги «Тадбиркор» хусусий фирмаси раҳбари Ўроз

«Ташаббус-2003»

бўй Хайитбоевга берилди. Богот туманидаги «Барчин» фермер хўжалиги раҳбари Барчино Нурматовга эса вилоятда «Энг яхши фермер» деган унвон nasib этди. Ҳайрат аззолари «Энг яхши ҳунарманд» йўналиши бўйича биринчи ўринни бир овоздан Х. Жуманиёзовга беришди. Кўрик танловда қўшимча номинациялар бўйича ҳам Фолиблар аниқланди ва улар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

ТОЙПАХТА БЎЛИБ КИРИБ, КИЙИМ БЎЛИБ ЧИҚМОҚДА

Самарқанддаги «Сам-жинтекс» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси бундан тўққиз йил муқаддам иш бўшлаган эди. Корхонада болалар ва катталар учун ўн турга яқин трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Италия, Швейцария, Туркиядан келирилган замонавий технология асосида маҳсулот тайёрланади.

Хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараёнлар корхонанинг ўзиде амалга оширилмоқда. «Зирабулоқ» пахта тозалаш заводидан келтирилатган толадан дастлаб калава ип олинди, сўнг дастгоҳларда мато тўқилади. Турли рангларга бўялган матолардан керакли андоза олинади ва тикув цехига ўтказилади. Бу матолар чевар тикувчилик қўлида бежирим кийимга айланади. Тикув цехида Италия ва Япониядан келтирилган икки юзга яқин тикув машиналари ишлаб турибди.

Корхонада мингдан зиёд киши меҳнат қилади. Уларнинг асосий қисми қишлоқ аёллари. Бугунги кунда улар тиканган тайёр маҳсулотлар - турли бичимдаги болалар ва катталар ички кийимлари, спорт кийимлари нафақат мамлакатимиз, балки ҳамдўстлик давлатларида ҳам ўз харидорига эга. Яқинда Америкадан катта миқдорда буюртма олинди. Шу билан бирга, бу ерда тўқилаётган газламага ҳам талабдорлар кўп.

(ЎзА).

Фермер Кайбулла Сайдалиев: ЎЗИМИЗНИНГ МАҲСУЛОТ

Икки йилдан буён Жиззах вилоятида фермерларга ер тендер асосида берилмоқда. Вилоятнинг чўл худудлари - Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл туманларида бундай усуллар айланиб кўл келмоқда. Пахтакор туманидаги «Самарқанд» хўжалиги худудиде фаолият кўрсатаёт-

ган фермерларни бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. Шу боис уларнинг аксарияти ўтган йили ғалла ва пахта етиштириш бўйича имзоланган контрактация шартнома шартларини адо этишди.

Мисол учун «Козим ота» фермер хўжалиги ташкил этилганига, атиги

бир йил бўлса-да, қисқа муддатда ўзини ўнглаб олди. Унга ёш тадбиркор йигит Кайбулла Сайдалиев раҳбарлик қилмоқда. У «Самарқанд» хўжалигидан 24 гектар ер олиб, мўмайгина даромад кўрди.

— Фермер хўжалигига қарашли ерларни беш кўлдай биламан. Чунки авваллари бу ерларда отам бригадирлик қиларди. Оиламиз билан шу ерда қарийб йигирма йилдан буён ишлаб келаяпмиз, - дейди фермер. — Қачон сугориш керак, қачон ўғит бериш керак - ҳаммаси аён. Тендер усулини жорий қилгани боис бу соҳага адашиб кириб

қолганлар ўз-ўзидан четга сурилиб, ер ҳақиқий эгасини топмоқда. Фермер хўжалигида 6 нафар ишчи меҳнат қилади. Ишчиларнинг меҳнатга бўлаётган муносабатлари яхшиланиб, ишлаб чиқариш самардорлиги юқори бўлмоқда. Шунинг учун улар яхши даромадга эга бўлишаётир. Эрттирилган фойда эса ўртада тақсимланмоқда. Ҳар бир ишчиға 700-1000 килограмм бугдой, ўсимлик ёғи, кунжара берилди. Хўжалик худудиде истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларга 500 килограммдан бугдой бепул тарқатилди. Фермер байрам кунларида ногирон ва ёлғиз кексаларнинг уйига бориб, ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам қўлини чўзиб турибди.

«САРАТОН» КОНФЕТЛАРИ

Хўжайли туманидаги «Саратон» савдо-ишлаб чиқарувчи акционерлик жамияти ўз маҳсулотлари билан Қоракалонгистондаги савдо корхоналари орасида етакчилик қилмоқда.

Жамиятнинг ўн тўққизта савдо нуқтаси бўлиб, уларда озиқ-овқат маҳсулотлари сотилади. Утган йили «Саратон»чилар истеъмолчиларга 92 тонна нон, 46 тонна макарон, олти тонна қандолат етказиб берди.

Шунингдек, жамият аҳолиға пулли хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўйган. Икки жойда сартарошхона, икки пойабзал таъмирлаш устaxonаси ишлаб турибди.

Ишлаб чиқаришдан олинаётган даромадининг асосий қисми тадбиркорликни янада ривожлантиришга сарфланмоқда. Янги йил бошида акционерлик жамияти ҳузурида «Саратонконфет» кичик корхонаси ташкил этилди.

Зарур ускуналар Тошкентдан келтирилди. Янги корхонада кунига икки тонна конфет ишлаб чиқарилмоқда.

Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири.

«САРАТОН» КОНФЕТЛАРИ

Хўжайли туманидаги «Саратон» савдо-ишлаб чиқарувчи акционерлик жамияти ўз маҳсулотлари билан Қоракалонгистондаги савдо корхоналари орасида етакчилик қилмоқда.

Жамиятнинг ўн тўққизта савдо нуқтаси бўлиб, уларда озиқ-овқат маҳсулотлари сотилади. Утган йили «Саратон»чилар истеъмолчиларга 92 тонна нон, 46 тонна макарон, олти тонна қандолат етказиб берди.

Шунингдек, жамият аҳолиға пулли хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўйган. Икки жойда сартарошхона, икки пойабзал таъмирлаш устaxonаси ишлаб турибди.

Ишлаб чиқаришдан олинаётган даромадининг асосий қисми тадбиркорликни янада ривожлантиришга сарфланмоқда. Янги йил бошида акционерлик жамияти ҳузурида «Саратонконфет» кичик корхонаси ташкил этилди.

Зарур ускуналар Тошкентдан келтирилди. Янги корхонада кунига икки тонна конфет ишлаб чиқарилмоқда.

Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири.

Фарғонада НАТО ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган «Фарғона-2003» ўқув машғулотлари

«Фарғона-2003» ўқув машғулотлари фарғона вилоятининг боришига бағишланган охириги халқаро конференция бўлиб ўтди. Президентимиз Ислам Каримов 2002 йилнинг ноябрида бўлиб ўтган Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида сўзлаган нутқида: «Биз НАТО билан тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз ва Куролли Кучларимизни ислох қилиш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш учун ўқув ва ахборот марказларини ташкил этиш, чегараларни замонавий воситалар билан жиҳозлаш, террорчиликка қарши курашиш борасида тайёргарликни янада тақомиллаштиришга йўналтирилган шериклик муносабатларимизни кенгайтириш тарафдоримиз», деб таъкидлаган эди.

Шу билан бирга, Юртбошимиз уқтирганидек, НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши билан демократик ва фуқаролик институтларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, экологик ҳавфсизликни кучайтиришга кўмаклашиш масалалари бўйича ҳамкорлигимизнинг мени яратиш, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида бундан етти йил муқаддам Президентимиз Фарғонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилган эди.

(ЎзА).

ҚУТҚАРУВЧИЛАР ТАЖРИБА АЛМАШАДИ

лодда вазият, қарийб 900 техноген ҳолат ва салкам 800 табиий офат рўйхатга олинган бўлиб, вазирлик томонидан уларни бартараф этиш, аҳоли ҳаёти ва саломатлигини, моддий ва маънавий қадриятларини муҳофаза қилиш борасида жиддий ишлар амалга оширилган. Қутқарувчиларимиз хоризий мамлакатларда рўй берган табиий офатларни тугатишда иштирок этиш борасида ҳам муайян тажрибага эга.

Хозирги пайтда Миллий қутқарув хизмати жаҳон андазалари даражасида зарур техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Барча аҳоли истиқомат жойларида фуқаро муҳофазаси бўйича ўқув-маслаҳат пунктлари ташкил этилган. Тегишли мавзулар теле-

видение, радио ва матбуотда мундтазам ёритиб бориляпти. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўз ваколатига қирадиган масалалар бўйича халқаро ҳамкорликни ташкил этиш борасида ҳам кенг қўллаб-қувватлашга эришмоқда. 1999 йили Тошкентда йигирма давлат қутқарув хизмати вакиллари иштирокида ҳалокатларнинг олдини олишга бағишланган халқаро анжуман ўтказилган бўлса, 2000 йилда терроризмга қарши кураш бўйича семинар ташкил этилди.

(ЎзА).

кулий жиҳатлари муҳокама этилди. Халқаро миқёсда ўтадиган ушбу ўқув машғулотида Арманистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, АҚШ, Туркия, Эстония каби мамлакатлардан қутқарувчилар жамоалари иштирок этиши тўғрисида тадбирда ҳозир бўладиган Беларусь, Молдова, Россия, Руминия, Франция, Украина, Швеция ва Швейцария вакиллариға кузатувчи мақоми берилди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад - дунёнинг турли худудларида содир бўлиб турадиган хилма-хил фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этишда қутқарувчиларни ўзаро ҳамкорликда ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишга ўргатиш, уларнинг профессионал маҳоратини янада оширишдан иборат. Ўқув машғулотларининг юқори савияда ташкил этилишига ва бу, ўз навбатида, ўзбек миллий қутқарув хизмати юксак обрў-эътиборининг ўзига ҳос тасдиғи бўлишига ишончимиз комил.

Фулмон МИРЗО, ЎзА шарҳловчиси.

Касаба уюшмалари сиҳатгоҳларида



«БОТАНИКА»ДА КИЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Баҳор байрами бўлмиш Халқаро хотин-қизлар кунини ҳар бир жамоада кўтаринки руҳда қутиб олиш одат тусига кирган. Кимлардир бу тадбирни тўкин дастурхон атрофида ўтказса, бошқалар эса табиат кучоғига ошиқадилар. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Курортлар бошқармасига қарашли «Ботаника» санаторийси жамоаси эса мазкур байрам муносабати билан «Балли, қизлар» беллашувини ўтказди. Мазкур кўрик-танловда ҳамширалардан Дилрабо Пулатова, Дилфуза Махаматова, Малухат Назарчаева, Дилрабо Зокирова ҳамда Дилнозахон Эшмоновалар ўзларининг зукколикларини юзасиданликларини ва ҳозиржавобликларини намойиш этдилар. Дастлаб қизлар миллий кийимда чиқиб, томошбинларга ўзларини таништириш билан бирга иш жойларига ҳамда касбларига таъриф беришди. Иккинчи турда эса мамлакатимиз тарихида аёллар



қандай улуғланлиги ва уларнинг давлатимизни бошқаришдаги ҳиссаларини Бибиҳоним, Тўмарис, Нодирабегим, Зебуннисо ҳамда Қурбонжон Додхо каби шарқнинг улғу сиймолари образини яратиш орқали тасвирлаб беришди. Айниқса, қизларнинг пазандалик борасидаги маҳоратлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Ҳар бир қатнашчи ўзлари тайёрлаган таомларнинг инсон учун қанчалик фойдали эканлиги ҳамда дармондориларга бойлигини шарҳлаб беришди.

Навбатдаги турда қатнашчилар ўзларининг санъатдаги маҳоратларини намойиш этдилар. Ракс, лапар ҳамда ашулаларнинг ижро этилиши кўрик-танловга алоҳида жозиба бахш этди. Малоҳат Назарчаева «Афандининг беш хотини» асаридagi Тўтихон образини кийимга етказиб ижро этганида залда қарсақлар янгради.

Қатнашчилар беллашувга пухта тайёргарлик кўришгани учун ҳам ҳайъат аъзолари чиқиларини баҳолаш қийин кечди. Ва ниҳоят «Энг пазанда қиз» совринига Дилрабо Пулатова, «Энг латофатли аёл» совринига Дилфуза Махаматова сазовор бўлишди. Малоҳат Назарчаева эса «Кўпчилик томошабинлар олқишига сазовор қатнашчи», Дилрабо Зокирова эса «Энг зукко қиз», Дилноза Эшмонова «Ботаника» санаторийсининг маликаси деб топилди.

Барча иштирокчиларга сиҳатгоҳ маъмурияти ҳамда касаба уюшма кўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Н. РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири.

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

ҲАММАСИ ҲАРАКАТГА БОҒЛИК

Зокир Саноев 1970 йилда Жондор туман Охунбобоев номили ширкат хўжалигининг Пасана қишлоғида туғилган. Анча вақтдан буён туман электр тармоқлари корхонасида ишлаб келарди. Ота касбидан борган йигитнинг ишидан жамоадагилар ҳам, раҳбарият ҳам, хаттоки оила аъзолари ҳам беҳад мамнун эдилар.

Лекин 2001 йил 27 июл Зокир учун жуда оғир кунлардан бири бўлди. Тундан кейин у ўз бригадаси аъзолари билан навбатдаги топшириқни ижро этаётганда, темир-бетон тиркаманинг беҳосдан синиши оқибатида ерга кулаб тушиб, жиддий жароҳат олди. Узоқ вақт тўшаққа миҳланиб қолди. Синган қовурғалари, чандиқлар битди. Аммо бўш мия қисмидаги

жароҳат изи ҳамон безовта қилгани қилган.

Шунга қарамасдан ишлаб чиқаришда жароҳатлангани учун унга етказилган зиён, моддий ва маънавий зарар ундирилмади. Чунки З.Саноев билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса тафсилотлари узоқ вақт яшириб келинди. Гўёки у тиркамдан (симёғочнинг титилиб кетиши туфайли) эмас, қандайдир дарахтдан йиқилиб тушганга ўтди. Шу кунги воқеа жойида 5-6 нафар бригададошлари билан бирга ўнлаб бегона кишилар бўлишган. Йигитнинг қай тарзда кулаб тушганини ва бу ҳақда кейинчалик ўз хулосаларини ёзиб берганлар ҳам анчагина.

Касални яширсанг, иситмаси ошкор этади. З. Саноевнинг ҳаёти

бунга ёрқин мисол бўлиб турибди. Негаки, ўша кунги хушига келган, дастлаб маъмуриятнинг кўрсатмаси асосида иш юритди. Аммо кейинчалик аҳоли танглигини сезди. Шу боисдан ҳам унинг тегишли назорат органларига мурожаат этишдан бўлак чораси қолмади.

Суд-тиббий экспертиза хулосалари масалага аниқлик киритди. Иш жараёнида рўй берган бахтсиз ҳодиса туфайли олган тан жароҳатлари саломатлигини қисман йўқотиш учун туртки бўлганлиги ўз исботини топди. Тегишли комиссия аъзолари томонидан иш вақтида жароҳатланганлиги юзасидан далолатнома тузилди.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

Бошланғич ташкилот нуфузи

ПИРОВАРД НАТИЖАГА БАРЧА МАСЪУЛ

Сафларида 355 нафар аъзони бирлаштираган «Ангор пахта» очик турдаги ҳиссдорлик жамияти бошланғич касаба уюшма ташкилотининг ибратли ишларидан барча мамнун.

Чунки ишчи-хизматчилар бирор-бир юмушлари чиқса, тўғри касабақўм раиси Эргаш Исмоиловага мурожаат қилишади. Ҳар қандай муаммо қисқа вақтда ҳал этилади.

Ишчи-хизматчиларимизнинг саъй-ҳаракати билан ҳар йили 17 минг тоннадан зиёд пахтани қайта ишлашга эришяпти. Уларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча қўлайликлар яратилган. Шу боис ишлаб чиқариш кўрсаткичларимиз ҳам юқори. Ўтган йили сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича республикада 1-ўринни эгаллади. Натижада 4 миллион 200 минг сўм кўп фойда олдик, дейди касабақўм раиси.

Бу кўрсаткичга эришишда маъмурият билан касабақўм раисининг ҳамкорлигида имзолаган жамоа шартномаси ҳар бир банднинг ўз вақтида бажарилиши кўл келмоқда. Унга асосан, ишчиларнинг иш ҳақлари ўз вақтида тўлаб келинмоқда. Ходимлар ҳар байрамда қўшимча равишда мукофотланадилар. Шу билан бирга ишчиларга корхона ҳисобидан бепул иссиқ

овқат ташкил этилган. Мавжуд цехларда дам олиш хоналари ишлаб турибди.

Меҳнат ҳавфсизлигини таъминлаш учун жамият ҳисобидан 3 миллион сўм маблағ ажратилган. Ишловчилар махсус кийим-бош, пойабзал билан таъминланган. Ўта зарарли шароитда ишлаётганларга сут ва сут маҳсулотлари берилади. Улар тиббий куридан бепул ўтказилади.

Бошланғич касаба уюшма кўмитасининг ташаббуси билан ўтган йили Холмурод Чориев, Елизавета Степанова каби 45 нафар нурунийларимизга пул мукофотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Байрамларда тумандаги кам даромадли оилалар, ёлғиз оналар, нурунийларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳам бир мунча ишлар қилинди. Масалан, Бойсун туманидаги 12-Меҳрибонлик уйда тарбияланган Фарида Муродованинг Термиз тиббий билим юртида таҳсил олиши учун контракт пуллари тўлаб келинапти. 30 нафар нурунийлар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига зиёрат қилишди. Бу муруватдан «Нурунийлар», «Қизил Ярим Ой», «Соғлом авлод учун» каби қатор жамиятлар, «Пахта ой» болалар боғчаси тарбияланувчилари ҳам баҳраманд бўлишмоқда.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор Элчи Жон Хёрбст Жиззах вилоятида бўлди. У минтака ижтимоий-иқтисодий соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган Ўзбекистон-АҚШ қўшма лойиҳаларининг амалга оширилиши жараёнлари билан танишди.

АҚШ ЭЛЧИНИ ЖИЗЗАҲДА

Ж. Хёрбст аккумуляторлар ишлаб чиқаришга иқтисослашган «ЎзЭксайд» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасига борди. Ушбу корхона қурилиши ўтган йили тугалланган эди. Корхона лойиҳа қувватига кўра, йилига бир миллион дона аккумулятор ишлаб чиқаради. Махсулотнинг ярминиси экспортга чиқариш режалаштирилмоқда. «ЎзЭксайд» қўшма корхонаси лойиҳа қийматининг бир қисмини қоплаб, қолган қисмига U.S. Bank of New York-банкдан 4 миллион доллар кредит олди.

Шунингдек, АҚШ элчиси интернет тармоғига кириш ва ўқитиш бўйича марказ очилишида қатнашди. Бу Америка элчихонаси ёрдамида барпо этилган ўн олтинчи марказ ҳисобланади. Ж. Хёрбст маросимда сўзга чиқиб, АҚШ халқаро ҳамкорлик агентлиги (USAID)нинг Ўзбекистон мактабларини компьютер техникаси билан жиҳозлашга қаратилган янги лойиҳаси бошланганлигини маълум қилди. Ушбу лойиҳани рўйбга чиқариш учун Қўшма Штатлар минг дондан зиёд компьютер тақдим этади.

«Туркистон-пресс»

Нуқтаи назар

ҳисобида турган ана шундай иншоотларда жуда кўплаб тадбирлар касаба уюшмаларининг бевосита ташкилотчилиги ва ташаббуси билан ўтказиларди.

ҳодимлари касаба уюшма кўмитаси раиси Матлуба Ҳақимова икки йилдан буён фермер хўжа-

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИККА ЭЪТИБОР

кишлоқ хўжалик корхоналари ўрнида ўнлаб фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этилмоқда. Демак, ана шу йирик хўжаликлар тасарруфида бўлган спорт, маданий-маиший иншоотлар бугунга келиб «ҳеч қимми» бўлиб қолаётгани сир эмас. Вилоятимиз бўйича қишлоқлардаги ўнлаб оддий спорт майдонлари, 23 та қишлоқ клублари, 53 та маиший хизмат уйлари бугунга келиб хувиллаб қолганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Маълумки, хўжаликлар

Зафаробод тумани мисолида бу борада бир қатор муаммолар мавжудлиги ойдинлашди. Мазкур туманда аввалги 10 та хўжалик ўрнида 993 та фермер хўжалиги ташкил этилиб, улардаги касаба уюшма аъзолари 5273 нафарни ташкил этади. Демак, тармоқдаги шунча кишини, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш касаба уюшмалари олдидидаги долзарб вазифадир. Буни ҳис қилган туман Агросаноат мажмуи

ликларидagi уюшма аъзоларини ҳақ-ҳуқуқлари доирасида муҳофаза қилиб келмоқда. Гарчи осон бўлмаса-да, тумандаги ҳар бир иш берувчи – фермер хўжалиги раҳбари билан жамоа шартномалари тузилиб, улар ижроси юзасидан баҳамжиҳат иш олиб боришмоқда.

Яна бир муаммо. Аввало ҳуқуқий саводхонликка эътиборни қаратиш лозим бўлади. Фикримизча, йил давомида бир-иккита ҳуқуқий мавзуда лекция, семинар

Сухбатдош: Абдуманноб АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Фермер хўжаликларидаги бошланғич касаба уюшмалари ташкилий жиҳатдан қаерга уюшади? Қишлоқдаги маданий-маиший, спорт иншоотларига қим ҳомийлик қилади-ю фермер хўжалиги аъзосини ҳимоя қилиш учун иш берувчи билан жамоа шартномаси қай ҳолатда тузилади?

Шу каби долзарб муаммолар хусусида Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари Аъзам Ихтиёров куйидагиларни сўзлаб берди:

Мамлакатимиз кишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар натижаси ўлароқ фермер ва деҳқон хўжаликлари сони тобора ортиб бораёпти. Бу билан ер ҳақиқий эгаларини топаёпти. Мухими, маҳсулдорлик ортмоқда.

Бугунги кунда вилоятимизда 11 мингга яқин фермер, 391 та деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатаёпти. Аввалги йирик-йирик

Касаба уюшмалари Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш борасида аниқ тадбирларни амалга оширмоқда. Бу борада ишлаб чиқилган Ҳаракат тартиби амалиётга жорий этилмоқда. Ходимларга иш ҳақини натуро шаклида тўланишини таъминлаш, ушлаб қолинадиган пул миқ-

дорлари ҳамда унинг асослари ҳақида ходимларни ёзма оғохлан-тириш хусусидаги кўрсатмалар жойларга етказилган. Мақсадга эришишда касаба уюшмалари томонидан маҳаллий ҳокимият, прокуратура органларига, тегишли банк муассасалари, иш берувчиларга расмий мурожаатлар, тақдимномалар киритилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Акциядорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси ишчи-хизматчилар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси сифатида ўзини намоянча этилаётгани, сўраймиз 311-чегирасидан.

«Навоийазот» очик акциядорлик жамияти ҳисобига тўғри келмоқда. Ҳар мингга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган ушбу корхонада меҳнатга ҳақ тўлашда йил давомида узилишлар содир этилаёпти. Маълум бўлишича, ўтган йили ойлик иш ҳақи 7 мартта баъдан кредит олиш ҳисобига қопланган. Қаранг, ишловчилар ҳали ўтган йилнинг но-

ябр, декабр ойлари учун маош олишолмабди. Бу жамоа шартномасининг кўпол равишда бузиллиши, меҳнатга оид қонунларнинг бажарилишмаслиги демакдир.

Хўш, «Навоийазот»да ойлик маошдан қарздорлик қачон бартараф этилади. Маъмурият, касаба уюшма кўмитаси бу долзарб муаммони ҳал этишга қодирми?

Корхона касаба уюшма ташкилоти конференцияси делегатларини ўйлантираётган асосий масалалардан бири шу эди. Икки конференция кетма-кет ўтказилди. Кун тартибидagi масалалар:

«Навоийазот» очик акциядорлик жамияти ҳисобига тўғри келмоқда. Ҳар мингга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган ушбу корхонада меҳнатга ҳақ тўлашда йил давомида узилишлар содир этилаёпти. Маълум бўлишича, ўтган йили ойлик иш ҳақи 7 мартта баъдан кредит олиш ҳисобига қопланган. Қаранг, ишловчилар ҳали ўтган йилнинг но-

ИЗЧИЛИК ВА ЎЗАРО

«Навоийазот» очик акциядорлик жамияти касаба уюшма ташкилоти конференциясидан кейинги ўйлар

ганлиги ишчилар кайфияти, турмуш тарзи, корхонадаги пировард натижага салбий таъсир ўтказаяётганлигини очик-ойдин, жон куйдириб гапирмадилар. Фақатгина аммиак ишлаб чиқариши 3-навбати бошлиги Евгений Коржиков ҳамкасблари фикрини ифодалаб, шундай деди:

«Кайфиятга кўп нарсаси боғлиқ. Таъмирлаш ишларининг чўзилаётгани, маош вақтида берилмаётгани, табиийки, қатор камчиликлар, муаммоларни юзга келтирмоқда. Яшириб нима қилди, шуларни деб цехларда ўғрилик қўпаймоқда. Маъмурият, касаба уюшма кўмитасининг долзарб муаммоларни ҳал этиш борасидаги режалари, меҳнат интизомини бузилиши сабаблари ўз газетамиз - «Навоийский хи-

мик»да ошқора ёзиб борилса, майда гап-сўзларга ўрин қолмасди. Ўзаро талабчанлик бўлмаган жойда иш орқага кетиши тайин.

Адолат юзасидан айтганда, корхона касаба уюшма кўмитаси ишчи-хизматчилар, уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, сиҳаттоҳларга йўлланмалар бериш, спорт ва оммавий тадбирларни амалга оширишда қатор хайрли ишларни амалга оширди. «Химик» ўйингоҳида мини футбол, волейбол, теннис, шохмат-шашка бўйича мунтазам мусобақалар ўтказилаётганлиги, корхона спортклубининг шаҳар, вилоят ҳамда республика миқёсидаги беллашуларда янги қатнашиб келаяётгани қайтарилган сазовор.

Лекин айниқса бозор шароитида ҳамма нарсаси иқти-

содга бориб тақалиши табиий. Конференцияларда жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан ҳисобот маърузаси қилган акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Х.Фармонов, касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот давридаги фаолияти хусусида «ахборот» бериб ўтган кўмида раиси вазифасини бажарувчи В.Слоновская фикрларини тинглаб шундай савол туғилди: ишлаб чиқаришнинг 36 фоизи кишлоқ хўжалигига ўғит тайёрлашга иқтисослаштирилган корхонада иш ҳақи муаммосини ўғит пулининг вақтида келиб тушмаслиги билан боғлаш инсофданими? Ахир қанчадан-қанча ишлаб чиқариш тармоқлари бор-ку?

Ҳамма гап интизомнинг сустигли, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланил-

ЭНЕРГЕТИКЛАР МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Энергетикалар шаҳри Ширинда бўш иш ўринлари ва лавозимлар ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмаркада янги ходимларни танлаётган 23 та ташкилот ва корхона иштирок этди. Шу кунги ўнлаб одамлар иш билан таъминланди.

Ярмарка ташкилотчилари уй бекалари ва қизларни меҳнат фаолиятига кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, тадбирда кичик корхоналар цехлари ва уйда тайёрланган буюмлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Энг яхши буюмлар муаллифлари қимматли совғалар билан тақдирланди.

(ЎЗА).

Қарор ва ижро

СОХТА ТАДБИРКОРЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг «Республикага истеъмол товарларининг ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини бир қанча тадбирларни амалга ошираётган бўлишига қарамасдан мамлакатимизга ноқонуний йўллар билан товар олиб келиниши ҳоллари ҳамон учраб турибди.

Эллиққалъа тумани солиқ инспекцияси ходимлари томонидан чет элда ишлаб чиқарилган 1 миллион 584 минг 600 сўмлик товарлар ҳеч қандай тегишли ҳужжатсиз сотилаётганлиги аниқланиб, мусодара қилинди. Юқоридagi қарордан тегишли хулоса чиқармаган Н.Бургаков, А.Ибрагимов, О.Қозоқов сингари 38 нафар яқна тартибдаги «тадбиркор»ларга нисбатан молиявий жарима солинди.

Туртқўллик солиқчилар ҳам қонунни менсимаятган сохта тадбиркорларга нисбатан муросасиз курашмоқда. Яқинда «Мискин» чегара پوستида фуқаро А.Эшмуродов 870 минг сўмлик, Г.Матсафаев 567 минг сўмлик авто шиналарни ҳеч қандай ҳужжатларсиз Тошкент шаҳрига олиб кетаётганларида уларнинг «сафар»ига чек қўйилди. Шунингдек, Хоразм вилоятида яшовчи Х.Рўзиматов, Қ.Абдуллаев, нукуслик Қ.Умаровларга тегишли бўлган чет элда ишлаб чиқарилган 1,5 миллион сўмликдан ортиқ моллар мазкур чегара پوستида тегишли қонунлар асосида далилий ашё сифатида мусодара қилинди.

Туманда Вазирлар Маҳкамасининг нақд пул билан ҳисоблашишда назорат-касса машиналарини қўллаш ҳақидаги қарорини бажариш юзасидан ҳам бир мунча ишлар қилинмоқда. Ҳозирда туманда савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган 342 нуқтадан 255 тасида назорат-касса машиналари ўрнатилган.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича касса-назорат машиналарини ишлатмасдан савдо-сотиқ қилган 50 та корхонага 20 миллион сўмдан ортиқ молиявий жарима солинди.

Б. ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбири.

АРЧАЛАР КЎРКИ

Каерни мўлжалласанг, барвактроқ етасан, излаган одамнинг ҳам осонроқ топасан. Болалик маҳаллари- мида ипак курти сўнгги даҳага киргач тутларни каллаклаганга чидаган бўлса, отамиз бизни бар- вактроқ уйготар, бошқалар эндигина иш бошлаган кез- да биз аллақачон шоҳлар- ни бутайтган бўлардик. Бу- гун ҳам тонг қоронғусида туриб нонуштадан сўнг ма- шина рулини тўпта-тўғри вилоят қасаба уюшмалари Кенгаши биносига қараб бурдим. Етиб келиб хайрон бўдим. Негаки, бинонинг ичкарисига ташқариси га- жум, одмигина кийиниб ол- ган Кенгаш райиси Карим- жон Раимжонов ва раис ўринбосари Равазон Дех- қоновдан тортиб ҳамма қизгин меҳнат билан банд эди.

— Хормасинлар! — де- дим уларга яқинлашиб. — Ҳашарни эшитмасдан қолибман, узр!

— Сизда айб йўқ, — кул- ди К. Раимжонов. — Кеча кун якунлашни олди- дан чиқди бу фикр. У ёқ-бу ёқни тартибга келтириб қўймасан бўлмас Наврўз ҳам яқинлашиб қолди ахир.

Шаҳардаги кўлгина таш- қилотларни қараганда саҳни анча ободонлашган, дох- даракхлар ва гуллар билан ўралган қасаба уюш- малари вилоят Кенгаши биноси хашардан сўнг яна- да кўрк очди. Хар йилги- дан фарқи ўлароқ кўча то- монга ўттиз-қирқ туп арча кўчатлари ўтказилди. Гул- зор атрофига гулдор пла- та тўсиқлар ўрнатилди. Бино заллари-ю хоналари тартибга келтирилиб, тоза- ланди.


Дарвоқе, арча масаласи: Ўзбекистонимизнинг энг яшил ҳамда гулларга бой шаҳарларидан ҳисобланган Наманганда Наврўзга хозирлик удумга айланган. Шаҳардаги бирон маҳалла, ташкилот, муассаса ёки ўқув юрти йўқки, ушбу мил- лий байрамга тайёргарлик кўрмасин. Айниқса, кўла- ламзорлаштириш, ободон- чилик ва тозалик умум- халқ широрига айланади. Вилоят ҳокимлигининг шу йўналишда олийқ ўтказиш юзасидаги қароридан сўнг ишлар янада авжга чиқа- ди. Мамлакат миқёсида ас- рий чинорлар шахри сифа- тида танилган Наманганда бу мавсумда арча кўчат- лари ўтказиш оммавий тус олди. Тўғри, чинор Марка- зий Осийе хусусан, Ўзбеки- стон шаҳар-кишлоқлари- нинг ўзига хос белгилари- дан бири. Аммо япроқла- рининг йил-ўн икки ой тўкилиб туриши, қолавер- са, олимларнинг таъкид- лашларича, кислороддан нафас олиб карбонат — ангидрид газларини чиқа- рини ўзгача қарашларни вужудга келтирди. Арча эса бунинг акси. Бирин- чи навбатда, ҳеч қандай ифлосланишни келтириб чиқармайди. Ёмғирдан сўнг арча дарахти ёнига бор- ганмисиз? Сиз бу ерда ҳаво эмас, кислород номи билан аталган кўринмас қаймоқ ютасиз. Тагин ил- фаннинг исботлашича, кишин-ёзини яшил «тўни»ни

ёрмайдиган бу ноёб дарахт карбонат-ангидрид қабул, қилиб, ўзи кислород ишлаб чиқаради. Шу боисдан ша- ҳар худудига арча ўтказил- маган бирон ташкилот, му- ассаа, ўқув юрти, мактаб ёки маҳалла қолмаяпти. Маъ- лумот беришларича, шу йил- ги Наврўзга хозирлик жара- ёнининг ўзида шаҳарда 20 минг туп арча ниҳоллари ўтказилди.

БАМИСОЛИ БИР ЖАННАТ

оқ йиллардан бери била- ман. Ҳаётда кўп нарсани кўрган, шаҳарда саннат ри- вожига катта ҳиссаси қўшилган. Узоқ йиллар ти- кувчилик бирлашмаси, пойабзал фабрикасига раҳ- барлик қилган. Кейинги 10-

БАРЧА ИНТИҚ КУТГАН КУН



12 йиллик фаолияти қасаба уюшмалари билан боғлан- ган. Бугунги кунда вилоят қасаба уюшмалари Кенгаши ижтимоий-иқтисодий бўли- ми мудири, яқинда Нав- рўзсолди режасига кўра ша- ҳар «Меҳрибонлик уйи»га биргаликда чиқишга тақдир э- тиб қолди. Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳи- моялаш бошқармаси ҳамда Фахрийлар кенгаши билан келишган экан. Табиийки, жон деб рози бўлдим. Ле- кин уйдаги гап кўнчага тўғри келмайди, деганларидек, ўша кун тахририятдан шо- шилинч топшириқ бўлиб, ту- манга жўнадим. Аммо таф- силотини батафсил эшит- дим.

Вилоятнинг ҳар уч обрўли ташкилот вакилларининг таширифи кўнгилли ўтибди. Дастурхон ўзилибди, дилдан мулоқот ўтказилди. Ки- йим-бош, пойабзалу бошқа совға-саломлар топшири- либди. Бу ердагиларнинг та- лаб ва эҳтиёжларини тинг- лашибди. Мезбонлар мин- натдорчилик сўзларини ай- тишибди.

Зеро, дунёда кўпчилик манфаати йўлида яшаш ва ишлаш чинакамига бахт бўлса керак. Қасаба уюшма тизимида ишлаётган Пётр Фомич Бесшапошников, Алексей Григорьевич Расса- хатский, Иброҳимжон ака Раҳимовлар ана шундайлар- дан. Улар узоқ йиллар қаса- ба уюшма тизимида ишлаш- ди. Пётр Фомич ўз соҳаси- ни чуқур эгаллаган ҳуқуқшу- нос сифатида ишловчилар- нинг қонуний манфаатлари- ни ҳимоялаш учун жон куй- диради. А. Рассахатский ва И. Раҳимовлар ишловчилар- ни ижтимоий ҳимоялаш учун билим ва тажрибаларини сарфладилар. Бугунги кунда нафақага чиқиб, оғир бетоб- ликка чалинган бу уч инсон

ёрданга, яхши гапга муҳтож. Вилоят қасаба уюшмалари Кенгаши вакиллари ташри- фидан улар беҳад хурсанд бўлиб, чексиз миннатдорчи- ликларини изҳор этдилар. Наврўз олдидан беморлар ҳолидан хабар олиш жаннат- нинг ярим дарвозасини оч- ди, деганлари шу бўлса ке- рак-да. Айниқса, вилоят қа- саба уюшмалари Кенгашида узоқ йиллар ҳайдовчили- қилган ва бугунги кунда бу ёруғ оламни тарк этган, ўз меҳнатқашликлари, бошқа- лар учун ҳамиша кўмакка тайёрликлари билан хурмат — эътибор топган Шарифжон Абдураҳимов, Маматхон Жўраевлар оилаларига қилинган таширф ҳам улар- нинг фарзандлари кўнглини тоғдек кўтарди.

ОТАЛАР ЭККАН НИҲОЛЛАР

Каримжон Раимжонов суҳ- бат орасида Наврўзни кутиб олишга хозирлик вилоятдаги барча ташкилотлар ва ҳўжа- ликларда кенг авж олганли- гини айтиб қолди. Дарҳақиқат, биз Янгйқўрғон туманидаги «Заркент» ширкат ҳўжалигига йўлимиз тушганида бунга ишонч ҳосил қилдик. Ушбу ҳўжалик томон йўлда давом этарканмиз, эрта кўқламинг кучсиз офтобидан рангини ўзгартиратган қир-адирлик- ларга боқамиз, табиат келин- чаги дея эрқалатилмайдиган ба- хор ҳақида йўлаб кетамиз. Ажабо, вилоятда кўктам қаер- дан бошланаркан? Кўқимбой қирлариданими ёки Сирдарё соҳиллариданими? Балки, Мингбулоқнинг қум бархан- ларидан, ё бўлмаса, Захирид- ни Мухаммад Бобурнинг па- дари бузуқуричи Умаршайх подшолик қилган қадимги азим шаҳар Ахсиент хароба- ларидандир! Бу саволларга жавоб топишга оғизману би- рок ўзим бораётган Заркент қишлоғидаги Дундултепадан бошланса керак, деб ўйлай- ман. Қишлоқда кираверишда- ги мана шу мўъжазгина те- палик қанчадан-қанча тилси- мотларни ўз бағрига яшир- маган дейсиз! Биргина ми- сол: тепаликка кўтарилсангиз, кўмирдек қопқора харсангга дуч келасиз. Энг ажабланар- лисини, мана шу харсанг узра кўзга аниқ-тиник ташланади- ган она-бола отларнинг из- лари тушиб қолган. Айтишларича, қадим-қадимда Фарго- на водийсида қанотли дул- дуллар сөрөб бўлган замон- ларда она дулдул қулунини етаклаб шу тепаликка кўниш- га одатланган. Бир сафар бу ерлар тўқайор бу билан қоп- ланган даврларда овчилар она-бола дулдулларни қўлга туширмоқчи бўлишибди. Улар

СУМАЛАКЛАР ҚАЙНАЙДИ

Хар байрамнинг ўзига хос белгиси бўлганидек, Наврўзни биз дошқозон- ларда сумалаклар кўри- нишида биламиз. Бино- барин вилоят қасаба уюшмалари Кенгаши би- носининг ҳовлиси Наврўз арафасига гўёки тўй қилинаётган хонадон кўринишини касб этади. Дошқозонда сумалак би- қирлаб қайнайди. Эрта- сига тонг шаҳарда эса да- стурхонга сумалак торти- лади ва жамоа биргалик- да худди бир оила аъзо- ларидек нонуштага ўти- ришади. Ахир аҳилликка, бир дастурхондан тўз то- тишга нима етсин! Зеро, Наврўз шундай қутлуғ ва табаруқ айёмки, бу кун- да барча гина-қудуратлар унутилади. Аччиқ турфа гаплар барҳам топади. Шу боисдан ҳам биз На- врўзни қадрлаймиз ва у- нинг таширфини интиқ- лик билан кутаемиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда



МАКТАБГА ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

Қарши туман халқ таълими бўлими мудири Боймурод Мавлонов бир гапни айтиб қолди: — Агар савобталаб қорхона ёки таш- қилотлар ҳақида билмоқчи бўлсангиз, албатта Қўрбон Ўлжабоев номли мак- табга бориң. Сизга ушбу илм маска- нига ҳомийлик қилиб келаётган «Ипак йўли» жамоа ширкат ҳўжалиги маъму- рияти кўмагини алоҳида мамнуният бил- ан сўзлаб беришади.

Мақтабда бўлганимизда мудирининг гапи қанчалар тўғри эканлигига ўзимиз ишонч ҳосил қилдик. Янги ўқув йил ол- дидан 2 қаватли бино тўлиқ таъмир- ланган. Бунинг учун оталиқ ташкилот томонидан 2 миллион 300 минг сўм маблағ ажратилибди.

— Бизга доимий кўмак бериб келаёт- ган ҳўжалик маъмурияти ҳамда қасаба уюшма кўмитасидан миннатдормиз, — дейди мактаб бошланғич қасаба уюш- ма кўмитаси раиси Холмамат Худойшу- куров. — Ҳўжалик томонидан кам таъ- минланган ўқувчиларга 300 минг сўмлик моддий ёрдам, 700 минг сўмлик дарс-

ликлар олиб берилди. Мақтаб илмий бўлим мудири Бобот Назаровнинг таъкидлашича, иситиш тармоқларининг бир меъёрида ишла- шида ҳам ҳўжаликнинг кўмаги катта бўлмоқда. Табиий газ билан исийдиган ўқув масканида муваффақиятга булган ҳеч қандай муаммо йўқ.

Мақтабда 1043 нафар ўқувчи бўлиб, уларга 61 нафар малакали ўқитувчи са- бок берапти. Айниқса, Рустам Бадалов, Роҳиля Қаршиева, Чоршанбе Носиров, Марзия Назарова сингари тажрибали устоз-ўқитувчиларни барча хурмат қи- лди. Улар ёш авлодга таълим-тарбия бе- ришда энг илгор усулларни қўллашмоқ- да. Шу боис ўқувчилар назарий билим- ларини амалиётда қўллаб, фан оли- мидаларидега муваффақиятли иштирок этиш билан бирга ўз иқтидорларини ҳам намоён этишга интилишмоқда. Турли тўғарларнинг ишлаб туришида ҳам оталиқ ташкилоти ёрдами билан яра- тилган шарт-шароитлар қўл келмоқда.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» муҳбири.

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари хотин-қизларнинг оила- даги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш, манфаатлари- ни ҳар томонлама ҳимоя қилиш масалала- ри ҳукуматимиз сиёса- тининг устувор йўнали- ши ҳисобланади. Бу бо- рада амалга оширила- ётган ишлар, эришила- ётган ютуқлар, аёллар- нинг республикамизда кечаётган ислохотлар жараёнидаги иштироки юртимизга таширф бу- юрган ҳорижлик меҳ- монлар ва чет мамла- катлар жамоатчилигини қизиқтириши табиий.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва ма- даний-маърифий ало- қаларни замон талаб- лари асосида ҳар то- монлама ривожланти- риш, турли жаҳаллар- да эришилаётган ютуқ- лар, халқимизнинг бой тарихи, маданияти, адабиёти ва санъати билан ҳорижликларни мунтазам таништириб бориш Ўзбекистон хо- рижий мамлакатлар билан дўстлик ва ма- даний-маърифий ало- қалар жамиятлари ке- наши фаолиятининг асосини ташкил этади. Шунингдек, хотин-қиз- ларнинг мустақиллиги- мизни мустаҳкамлаш, оила тинчлиги ва юрт фаровонлигини таъ- минлашга қўшаётган улуши хусусида хори- жий мамлакатлар жа- моатчилигини хабар- дор этиб бориш ҳам бугуннинг талабидир. Семинарда раҳбар аёлнинг маънавияти, масъулияти, жамияти- мизда кечаётган исло- хотлар жараёнидаги ўрни хусусида фикрла- шилди.

(ЎЗА)

САЙТ ОЧИЛДИ

Тошкентдаги «Яшаш муҳити» ахборот мар- кази томонидан IREX халқ- аро ташкилоти кўмагида Интернет тармоғида «Орол белгиси остида» номли янги сайт очилди. Бу борада марказга Ўзбекистон Республика- си Давлат табиати му- хофазаси қилиш кўмитаси, «Правда Востока» газета- си, экология муаммолари билан шуғулланувчи қатор идоралар ва но- ти- жорат нодавлат ташки- лотлари ҳамкорлик қил- ди.

Сайт турли хил эколог- ик ахборотдан эркин фойдаланиш имконини беради ва расмлар билан безатилган. Бу ерда жойлаштирилган рус ва ўзбек тилидаги матери- аллар нафақат маҳоратли экологлар, балки кенг оммага - мактаб ўқувчи- лари, талабалар, Ўзбеки- стон экотизимини ҳама- ниш ва табиий ўрдага техноген таназзул оқибатларини олдини олишга доир қандай чора-тадбирлар қўйла- ётгани билан қизиқувчи- лар учун мўлжалланган.

Сайт муаллифлари - журналистлар ва эколог- лар республикада юзага келган экологик вазият, мамлакатимиз раҳбария- ти, давлат ва жамоат ташкилотлари, шунинг- дек, халқро ташкилот- ларнинг вазиятини яхши- лаш ҳамда ҳўжалик фао- лияти натижасида пайдо бўладиган янги фожи- аларнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракат- лари тўғрисида батафсил хикоя қилган.

Шунингдек, сайтда масс-медиа ва барқарор ривожланиш, био хилма- хиллик, иқлимнинг ўзгари- ши, озон қатламни ҳимоя қилиш, техноген ифлосла- ша, табиий офатлар ва уларни тахмин қилиш, сув таъминоти, тоза ишлаб чи- қариш каби мавзулар ва қатор муҳим муаммолар акс эттирилган. Ўқувчилар бу ерда республикамизда амал қилаётган экологик ҳуқуқ меъёрлари, мамла- кат жамоат ташкилотлари- нинг янги ташаббуслари, жаҳон ҳамжамиятининг ат- роф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича агентликлар билан танишиши мумкин. Бундан ташқари, минтақа- да экологик аҳволга нис- батан ишлатиладиган асо- сий атамалар луғати бе- рилган.

(ЎЗА)

Осийе чемпионлар лигасининг «Д» гуруҳ баҳслари Ўзбекистон пойтахтида ўтиши маълум бўлган- ни ҳамон «Пахтакор» муҳлис- лари энгил нафас олганлари рости. Хар ҳолда ўз майдони, қолаверса, мана биз боримиз-ку! Одатда ўзи кўпчилик шундай бўлади: бундайроқ жамоалар ҳам ўз ўйингоҳларида зафар қучиш учун жуда яқин турадилар. Бугунги «Пахтакор» эса, эътироф этишимиз лозимки, унча-мунча клубларни доғда қол- диришга қодир. Хар ҳолда ўз мамлакатининг кубок соҳиби сифатида баҳсларга киришган жа- моа йўл-йўлакчи қатор фаворит- ларни ер тишлабди, шу кунгача етиб қелди.

Қизиги шундаки, айна дам- ларда чемпион сифатида бел- лашуларини бошлаган гуруҳ- дошларимизнинг бугунги аҳо- ли унчалик ҳавас қиларли эмас. Масалан, «Ниса» ва «Ал-Талаба»

ўтган йилги мавсумни қумуш ме- дал соҳиби сифатида якунлаган бўлса, «Пирузи» эса Эрон че- мпионатида бор-йўғи учинчи по- шувона эгаллади. Ваҳоланки, «Пахтакор» учун 2002 йил кўша- лқ байрам билан нишонланди. Жамоа ҳам мамлакат кубогини, ҳам чемпионлик унвонини қўлга киритди.

Кўриниб турибдики, бугунги кунга келиб энг истиқболли ко- манда, бу Ўзбекистон чемпиони, десак муволажа эмас. Буни у «Д» гуруҳи беллашувларига старт бе- рилган илк учрашувдаёқ исбот- лай билди. «Ниса» устидан қозо- нилган ишончли галаба тошкен- тликларнинг имкониятлари ҳатто «Пирузи» ва «Ал-Талаба» жамоа-

лариникидан-да юқори эканлиги- ни тасдиқлагандек эди. Аслида гап бунда ҳам эмас. Араб ва форс футболчилари ўзаро учра- шувда намойиш этган ўйин му- тахассислар томонидан у қадар яхши баҳоланмади. Гуё техника бор, ҳаракат ҳам бордек, лекин кўзни қувонтирадиган, муҳлислар олқишига сазовор бўладиган, му-

футбол билимдонлари ҳам шун- дай саволни ўртага ташлаганла- ри беҳиз эмас. Чиндан-да шун- дай бўлиши ҳам мумкин. Тўп ду- малоқ, майдон текис дейдилар- ку ахир! Шундай қилиб, кеча гуруҳнинг иккинчи тур баҳслари барча ма- салаларга тўла ойдинлик кирит- маган бўлса-да, қандайдир ҳуло-

қиб клуб ўйинчилари буни амалда исботлашга ҳаракат қилдилар. Лекин натижа қутилмаган тус олди. «Ал-Талаба» жамоаси «Ниса» устидан 3:0 ҳисобида за- фар қучди. Энг асосий ўйин «Пахтакор» ва «Пирузи» жамоалари ўртаси- да бўлиб ўтди. Шу кун муҳлис- лар футболга хос бўлган қарийб барча нарсаларни кўрдилар: ҳужум ҳам бўлди, ҳимоя ҳам. Ҳеч ким ўзини аяб ўтирмади ва бу- тун ўйин давомида ҳар бир тўп учун, майдоннинг ҳар қаричи учун кураш борди. Футболда омад дегани бор гап. Бирок омад ҳам аввало кун- лиларга қулиб боқади. Бунга биз

таҳассисларни ўйга толдиради- ган комбинацияларини эса биз кўрмадик. Тўғри, кучлар тенг кел- ган пайтларда одатда шундай ҳол юз беради. Аммо, бутун ўйин да- вомида эмас-да! Балки меҳмонларимиз атай- лаб хира кўриниш касб этган ўйин намойиш этишгандир? Муҳлислар, қолаверса айрим

салаҳ ясашилмаси учун етарли да- ражада озуқа берди. Биз гуруҳ аутсайдерлари — «Ниса» ва «Ал-Талаба» жамоаларининг ўзаро беллашувларини томоша қилиб, бир нарсасига яна бир бор иймон келтирдик: ҳеч ким ҳеч қимга паст тушмоқчи эмас ва уларнинг ҳеч бири Тошкентга шунчаки са- ёҳат истаб келмаган. Хар икки

клуб ўйинчилари буни амалда исботлашга ҳаракат қилдилар. Лекин натижа қутилмаган тус олди. «Ал-Талаба» жамоаси «Ниса» устидан 3:0 ҳисобида за- фар қучди. Энг асосий ўйин «Пахтакор» ва «Пирузи» жамоалари ўртаси- да бўлиб ўтди. Шу кун муҳлис- лар футболга хос бўлган қарийб барча нарсаларни кўрдилар: ҳужум ҳам бўлди, ҳимоя ҳам. Ҳеч ким ўзини аяб ўтирмади ва бу- тун ўйин давомида ҳар бир тўп учун, майдоннинг ҳар қаричи учун кураш борди. Футболда омад дегани бор гап. Бирок омад ҳам аввало кун- лиларга қулиб боқади. Бунга биз

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	2	2	0	0	4:0	6
2. «Ал-Талаба»	2	1	0	1	3:1	3
3. «Пирузи»	2	1	0	1	1:1	3
4. «Ниса»	2	0	0	2	0:6	0

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлими 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маъмули: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли ГИВОХнома берилган. ИВМ компьютеридега терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буёқ Турои» кўчаси, 41-уй.